

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ
ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021**

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

С 22

С 22

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма. – Т.: «Адолат» миллий хукукий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:

Қ.Куранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, X.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

Тузувчилар:

Ш. Файзиев, X. Мухамедов, А. Йўлдошев,
Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков,
Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев,
Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021

© «Адолат» миллий хукукий ахборот маркази, 2021

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

Сайловолди ташвиқоти тушунчаси, мақсади ва уни амалга ошириш муддатлари

Сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири бу – сайловолди ташвиқоти ҳисобланади.

Сайловолди ташвиқотига оид қоидалар Сайлов кодексининг 9-боби (44–48-моддалар)да ўз аксини топган. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1068-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Мазкур Низом 5 боб ва 49 банддан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибини белгилайди.

Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Ташвиқот давомида номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар сайловчиларни ўз номзодларига овоз беришга чақирадилар. Илгари сурган номзодлари ва сайловолди дастурларини мақтаб, имкон қадар кўпроқ овоз олишга интиладилар.

Сайловолди ташвиқотидаги фаоллик сайловнинг натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки сайловолди ташвиқоти давомида:

биринчидан, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдida тўла намоён килишга;

иккинчидан, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан таништиришга;

учинчидан, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади.

Сайловолди ташвиқотининг мақсади – сайловда иштирок этувчи номзоднинг билим-салоҳияти, ҳокимиятга бўлган интилиши ва бу борадаги ҳаракат дастури мазмун-моҳиятини кенг жамо-

атчиликка етказиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозониш ва маълум бир номзодга овоз беришга даъват этишдан иборатdir.

Сайлов кампанияси уч ой давом этса, унинг деярли охирги ойида, асосан сайловолди ташвиқоти амалга оширилади.

Сайловолди ташвиқоти бошлангунга қадар сиёсий партиялар томонидан ўзининг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисида тушунтириш ва тарғибот ишларини сиёсий партияни ёки унинг номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этмаган (чақирмаган) ҳолда ўз маблағлари ҳисобидан, шу жумладан ҳомийлик маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкин.

Сайлов кодексига асосан Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга *ўттиз беш кун* қолганида тугалланади.

Навбатдаги сайлов 2021 йил 24 октябрь куни ўтказилишини ҳисобга олсак, номзод кўрсатиш 45 кун қолганида, яъни 2021 йил 9 сентябрь куни тугайди. Демак, навбатдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзодларларни рўйхатга олиш 19 сентябрда тугалланади.

Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Дастлабки ҳисобларга кўра, жорий сайловлардаги ташвиқот 20 сентябрь кун бошланади.

Сайловолди ташвиқоти ўртача *30 – 32 кун* давом этади.

Сайловолди ташвиқоти сайловга бир кун қолганда тўхтатилади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди. Демак, жорий сайловларда сайловолди ташвиқоти 22 октябрь куни тугайди, 23 октябрь, яъни сайловдан бир кун аввал ҳамда 24 октябрь – овоз бериш куни ташвиқот олиб борилиши мумкин эмас.

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин «жимжитлик куни» ҳисобланади, бу кунлар жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозизларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шаклари ва усуллари

Сайлов кодексининг 45-моддасида сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг турлари, усуллари ва шакллари аниқ кўрсатилган.

Сайловолди ташвиқотининг қўйидаги иккита тури мавжуд:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

2. Номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайлов кодексида сайловолди ташвиқоти олиб боришнинг ўнга яқин шакллари ҳам кўрсатилган. Улар қўйидагилар:

- омма олдида очиқ мунозаралар;
- баҳслар;
- матбуот конференциялари;
- фуқароларнинг йиғилишлари;
- интервьюлар;
- оммавий ахборот воситаларида чиқишилар;
- роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти Сайлов кодексида кўрсатилган қўйидаги учта усул орқали:

1. Оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали;

2. Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

3. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ташвиқот даврида уни олиб боришнинг Сайлов кодексида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши учун унинг номидан ишончли вакиллар сайловолди ташвиқотини олиб боришлари мумкин.

Мамлакатимизда амалда энг кўп қўлланилиб келинаётган усул – бу сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда ахборот коммуникация технологияларининг ри-вожланиши интернет ва турли ижтимоий тармоқлар орқали ҳам ташвиқот олиб бориш имкониятларини кенгайтирум оқида.

Сайлувчилар билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равиша ўтказилади.

Сайлувчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади. Аввалги ўтказилган сайловларда сайлов комиссиялари учрашувлар ҳақида сайловчиларни хабардор этиш масалалари билан ҳам шуғулланар эди.

Сайлув кодексининг 48-моддасига 2021 йил 8 февралдаги қонун асосида киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, сайлов комиссиялари зиммасидан бу мажбурият олиб ташланди. Эндиликда сайлов комиссиялари сайловолди ташвиқоти давридаги номзодлар билан учрашувларни ташкил қилиш ишларига аралашмайдилар.

Сайлувчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида туман (шахар) ҳокимликлари камидан уч кун олдин ёзма равиша хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда, ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб этилмайди.

Номзодлар ўзаро келишиб, биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши мумкин. Албатта, агар номзодлар ўзаро келишиб, бирга сайловчилар билан учрашув ўтказишни мақсад қилсалар, бунга қонунчиликда чеклов мавжуд эмас. Шу билан бирга, бир партия ёки номзодлар бошқа рақобатчилари билан бирга учрашув ўтказишни хоҳламаса, ўзлари алоҳида ўтказиши мумкин.

Тегишли ташкилотлар учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материаларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Бир номзод бошқа бир номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда ҳам иштирок этиши мумкин. Номзод ёки унинг ишончли вакили бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

Сайловолди ташвиқоти давомида тақиқланган ҳаракатлар

Сайловолди ташвиқоти сайловда ҳал қилувчи аҳамиятга эга босқич бўлгани учун унда қандай харакатлар мумкин-у, қайсилари мумкин эмаслиги қонунчиликда белгиланган.

Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Номзодларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ажратилиди. Номзодларни бошқа манбалардан пул маблағларини ўтказиш (киритиши), товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклида молиявий таъминлаш ва бошқача тарзда молиявий қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сайловчиларни ўз томонига оғдириш учун юкорида қайд этилган хатти-харакатларни содир этиш тақиқланган. Бундай ҳаракатларни содир этганлик учун тегишли жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 8 февралдаги қонуни асосида Сайлов кодекси 44-моддасига сайловолди ташвиқотини олиб бориши мумкин бўлмаган шахслар ҳақида қўшимчалар киритилган. Унга кўра, қуидагиларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланади:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг;
- Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг;
- сайлов комиссиялари аъзоларининг;
- диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг.

Шунингдек, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон хуқуqlари бюросининг мамлакатимизда 2019 йилда бўлиб ўтган Парламент сайловларни ўрганиш якунлари бўйича 2020 йил 13 майдаги хуносала-рида берилган тавсияларида қонунчиликка кампания даврида давлат ресурсларини суистеъмол қилиш масаласини ҳал этадиган аниқ нормалар киритилиши лозимлиги билдирилган эди. Ушбу тавсиялар асосида 2021 йил 8 февралда қабул қилинган қонунга асосан Сайлов

кодексининг 44-моддаси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти даврида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади» мазмунидаги норма билан тўлдирилган.

Номзодларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда кафолатлари

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган барча номзодлар тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Номзодлар:

- сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш;
- сайловолди йиғилишларида, телевидение ва радио орқали сўзга чиқиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод бўлиш;
- номзодлар рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (бундан шаҳар йўловчи транспорти, такси ва бошқа транспорт турларининг буюртма йўналишлари мустасно) текинга юриш ҳуқуқига эга.

Номзодлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки уларга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Номзодларни мажбурий келтиришга, уларнинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, тураг жойи ва хизмат хоналарини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Номзодларга ўзининг келгусидаги фаолияти дастури билан сўзга чиқиш ҳуқуқи берилади. Номзодларнинг дастурлари давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилмаган бўлиши, халқнинг саломатлиги ҳамда маънавиятига таҳдид солмаслиги, урушни, миллий нафратни, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилмаслиги, конституциявий тузумни зўрлик ишлатиб ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини чекловчи ҳаракатларга даъват қилмаслиги керак.

Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатиш илтимоси билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларига,

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, жамоат бирлашмалари-га, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

- номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул тақдим этиши;
- зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда номзодларга кўмаклашиши;
- сайловчиларни номзодлар билан учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилиш масаласида номзодларга кўмаклашиши керак.

Ташвиқот вақтида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари (сайлов кунидан икки кун олдин) жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материалларини сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида олиб қўйилиши мажбурий ҳисобланмайди.

Шунингдек, сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сайловда иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партияларнинг фикрини инобатга олган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайлов комиссиялари аъзолари партия рамзлари туширилган кийим кийиши, тақинчоқ тақиши ва бошқа белгилардан фойдаланиши тақиқланади.

Номзодларнинг дастурларини уларнинг розилигисиз таҳrir қилиш мумкин эмас.

Номзодларнинг автобиографик маълумотлари ва уларнинг сайловолди дастурлари тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг ахборот материаллари (плакатлари) сайловолди ташвиқоти материаллари ҳисобланмайди.

Сиёсий партиядан кўрсатилган номзод сайлов кампаниясида иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг ҳажми Марказий сайлов комиссияси томонидан

тeng улушларда белгиланади ва сиёсий партия тасарруфига етказилади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг хукуклари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Нотўғри ахборотни, номзоднинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш, шунингдек, номзоднинг розилигисиз унинг шахсий ёки оиласвий сиридан иборат шахсий ҳаётига оид маълумотларни ноқонуний тўплаш ёки тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ва жинойӣ жавобгарликка сабаб бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Сайловолди ташвиқоти тушунчаси ва аҳамиятини ёритиб беринг?
2. Сайловолди ташвиқоти турлари ҳақида фикр билдиринг?
3. Сайловолди ташвиқоти шаклларини мисоллар орқали ёритиб беринг?
4. Сайловолди ташвиқоти усуллари ҳақида фикр билдиринг?
5. Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади ва қачон якунланади?
6. Сайловолди ташвиқоти давомида қандай ҳаракатлар тақиқланади?
7. Президентликка номзоднинг сайловолди ташвиқоти унинг ишончли вакили томонидан олиб боришиши мумкинми?
8. ОАВ орқали ташвиқот олиб боришда номзодлар учун тенглик қандай таъминланади?
9. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш борасида сайлов кодексига қандай янгиликлар киритилди?
10. Кимларга сайловолди ташвиқотида иштирок этиш тақиқланган?